
ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ХОНАДОНИДА

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами олдидан “Риштон ҳақиқати” газеталари бирлашган таҳририяти ходимлари туманда истиқомат қилаётган бир гуруҳ журналистларни хонадонига ташриф буюриб уларни кириб келаётган байрам билан табрикладилар.

Газета бош муҳаррири Зайлобиддин Йигиталиев фахрий журналистларга Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими томонидан йўлланган табрикномани ўқиб эштитди.

Ўз навбатида фахрий журналистлар бундай ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

2021-06-24 18:01:23